
Марғилон шаҳрида “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турувчи 41 нафар ёшларга меҳнат қуроллари топширилди

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, айниқса “Ёшлар дафтари” рўйхатидаги йигит-қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишларига кўмаклашиш муҳим масала ҳисобланади.

Хусусан бугун ҳам шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёшлари ишлари агентлиги шаҳар бўлими ташаббуси билан “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турувчи йигит-қизларга ўз-ўзини банд қилиши учун субсидия асосида энг сўнгги русумдаги тикув машиналари, ноутбук, компьютер жамланмалари ҳамда бошқа асбоб-ускуналар ва меҳнат қуроллари шаҳар ҳокими бошчилигидаги сектор раҳбарлари томонидан топширилди.

Таъкидлаш жоизки, бу каби юсак эътибор ва ғамхўрлик ҳар бир ўғил-қиз тақдири давлатимиз назоратида, эътиборида эканлигидан далолатдир.

2022-06-24 15:53:20